



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 16 октябрь, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (14.005)

Баҳоси эркин нарҳда

## АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

## ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида 15 октябрь кун Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг еттинчи саммити бўлиб ўтди.

Туркий кенгашининг 7-саммити иштирокчилари, туркий дунё ҳамжамиятини муҳим сана – Туркий давлатлар ҳамкорлиги Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими қабул қилинганининг 10 йиллиги билан табриқлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев иштирок этди.

Анжуманда кузатувчи мамлакат вакили сифатида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, шунингдек, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Пури Агамуродов қатнашди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев саммитни очар экан, Президент Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлгани муносабати билан табриқлади. Ўзбекистон раҳбарининг бу тарихий қарори туркий тилли давлатларнинг ҳамжиҳати ва изчил тараққиётига хизмат қилишини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди. Мамлакатимиз ушбу нуфузли халқаро тузилмага жорий йилда қўшилди.

Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустақамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари кўпайди. Қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мулоқо янги – соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ана шундай янги мулоқот майдонларидан биридир. Бу ташкилот 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида тузилган бўлиб, дастлаб унга Туркия, Озар-

байжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо эди.

Кейинги йилларда мазкур давлатлар билан алоқалар мустақамланди. Олий ва юқори даражадаги ташкилотлар амалга оширилди. Президентимиз 2018 йил 3 сентябрь кун Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитда фахрий меҳмон сифатида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Чўпонотадаги саммитда халқларимизни азалдан ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келадигани, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида ўзаро манфаатли шериклик учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлар экан, бу борадаги асосий йўналишларга тўхталиб, бир қанча муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Дастлабки ташаббуслар амалга оша бошлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Хусусан, жорий йил 5 октябрда Тошкентда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши бизнес форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Венгриядан 500 дан зиёд тadbirkор қатнашди.

Ўзбекистон билан ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқалар фаол ривожланар экан, уларни ҳуқуқий жihatдан янада мустақамлаш зарурати пайдо бўлди. Жорий йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди. Мазкур ташаббус ташкилотнинг Кенгайиши ва унинг халқаро майдондаги нуфузи ошишида жиддий қадам бўлди. Шу боис барча аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг бу қарорини мамнуният билан қабул қилди. Расмий шахслар, экспертлар халқимизнинг туркийлар тарихидаги ўрни, бугунги салоҳиятини эътироф этди.

Аслида туркий халқларнинг келиб чиқиш тарихи м-

лоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Турк ҳоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйла бошлаган, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломулар етиштиб чиққан. Уларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий тилли халқлар, балки бутун жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Туркий халқлар ўртасидаги яқинлик нафақат муштарак маданият, тил, дин ва ўхшаш қадриятлар, балки қадимдан савдо алоқалари йўлга қўйилиб, ўзаро борди-келди, ҳамкорлик қилиб келингани билан ҳам боғлиқ. Бу ришталар собиқ иттифоқ даврида узилди қолган, чекланган бўлса-да, аммо мустақиллик йилларида келиб қон-қардошлик туйғуси яна эски ўзанини топти. Собиқ иттифоқ таркибидаги туркий мамлакатларда миллий ўзлини англашга эътибор кучайди, тарихий аъналар қайта тикланди, туркий тилли давлатлар билан ўзаро алоқалар фаложлашди.

Туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарлари 1990 йилларнинг бошидаёқ тили, дили, маданияти ва диний эътиқоди умумий бўлган қардош халқларнинг тенг ҳуқуқли ҳамжамиятига тамал тоши қўйганлар.

2009 йилда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон бу дўстлик ва ҳамкорликни янги босқичга қўтариш мақсадида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш ҳақида келишиб олди. Ташкилот фаолиятининг асосий принциплари 2016 йилда қабул қилинган Истанбул декларациясида белгилаб қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВ МАВЗУСИ ХИТОЙ ОАВ НИГОҲИДА

**Дунёнинг кўпгина мамлакатларида кузатилаётгани сингари Хитой оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистон ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратиши мунтазамлик касб этган.**

Айниқса, кейинги йиллар давомида республикада кечадиган кенг кўламли ислохотлар, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жабҳалардаги янгиликларнинг ҳеч бири Хитой оммавий ахборот воситаларининг назаридан четда қолмаётди. Улар, жумладан, жорий йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтаётган сайлов мавзусига ҳам ўз мушаррафларининг эътиборларини қаратмоқда.

Дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг бири ҳисобланадиган "Жаньминь жибао" газетасининг веб-саҳифасида "Ўзбекистонда сайловолди кампанияси бошланди" деб номланган ахборот материали эълон қилинди. Унда юртимизда сайловолди кампаниясининг бошланган мамлакатимиз Марказий сайлов комиссияси томонидан расман эълон қилингани билан боғлиқ тафсилотлар атрофида қаламга олинган.

Нашр Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабри – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови кунини, деб белгиланганини қайд этар экан, тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган Ўзбекистонда янги парламент ва янги маҳаллий кенгашлари сайлаш учун янги ҳақдаги сайлов кампанияси бошланганлигини алоҳида таъкидлади.

"Бўлажақ сайлов мамлакатини ривожлантиришни бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз инфодасини топган илгор демократик гоёларнинг амалдаги яна бир ёрқин инфодаси бўлади. Жамият ҳаётида кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, очиқлик ва ошқоралик, баргикенглик тамойиллари тобора мустақам ва кенг ўрин олмақда", деб ёзади нашр.

Хитой Халқ Республикасининг расмий ахборот маҳкамаси – "Синьхуа" ахборот агентлиги ҳам

ўшбу мавзуга мурожаат этар экан, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган бешта сиёсий партия – "Миллий тикланиш" демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тadbirkорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ва Экологик партия мамлакатдаги 150 та сайлов округларининг барчасида ўз номзодларини илгари суриш ҳуқуқига эга эканини маълум қилган. "Сайловда 20 миллиондан ортиқ сайловчи, шулардан икки миллиондан зиёд ёшлар илк маротаба овоз беришади", деб ёзади "Синьхуа" ахборот агентлиги.

Мамлакатда чоп этиладиган нуфузли кундалик матбаа нашрларидан бири – "Global Times" газетаси ҳам ўз веб-саҳифаси орқали Ўзбекистон муҳим сиёсий воқеа – сайловлар арафасида турганидан ўқувчиларини хабардор этди. "Global Times" бу йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар янги Сайлов кодекси асосида ўтказилишини қайд этар экан, ташкил қилинган Халқаро матбуот марказида Сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази (Call-center) фаолияти йўлга қўйилишини алоҳида таъкидлади. "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги республика ҳудуди бўйлаб абонентлардан марказга чикувчи бепул кўнгиноқлар амалга оширилгандан кўп тармоқли ва қисқа рақамли алоҳида алоқа линияси ажратилиши ҳамда унинг узлуksиз ишлашини таъминлайди", деб ёзади нашр.

Юқоридагилар билан бирга, Хитой халқаро радиоси, мамлакатда 9 миллиондан зиёд ўқувчисига эга бўлган таниқли "Сина" портали сингари оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ҳам ўшбу муҳим мавзуга бағишланган хабар ва мақолалар эълон қилинмоқда.

Шуҳрат УМИРОВ, "Дунё" АА муҳбири Пекин

## ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Тошкентда 15 октябрь кун Ўзбекистон – Малайзия бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Малайзиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 30 дан ортиқ Малайзия компанияси ҳамда 100 га яқин маҳаллий тadbirkорлик субъекте вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсади кўзланган бизнес-форумда икки давлат ўртасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодий динамикаси кўзатилаётганини таъкидлаб, республикамиз ҳукумати томонидан иқтисодийнинг турли соҳаларини эркинлаштириш, хорижий сармоядорлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора кенгаймоқда. 2018 йил якунларига кўра, ўзаро махсулот айирбошлаш ҳажми 78,274 миллион долларни ташкил этди. Бу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан қарий 20 фоиз кўп демакдир. Айни пайтда эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш 50 фоизни ташкил этди.

Малайзияга Ўзбекистондан асосан қимёвий ўғит-лар, мева-сабзавот, асал экспорт қилинади. Бу дав-

латдан юртимизга ўсимлик ёғи, саноат, лаборатория ускуналари, қаҳва ҳамда чай концентрати, совун ва бошқа яюш воситалари ишлаб чиқариш учун хом ашё каби махсулотлар кириб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Малайзия капиталли иштирокидаги 14 кўшма ва 2 ҳусурий корхона фаолият юритмоқда.

Малайзия вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликни, ишбилармонлик алоқаларини келгусида янада мустақамлашдан манфаатдор эканликларини таъкидлади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг халқаро савдо-иқтисодий алоқаларига нисбатан Малайзия билан икки томонлама савдо айланмиси атиги 3-4 фоизни ташкил этади. Демак, ҳали бу борада фойдаланилмаган кўп имкониятлар мавжуд. Шу боис, Малайзия ташқи савдо ишбилармонлиги корпорацияси ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Тошкентда ўз ваколатхонасини очди.

Малайзия компаниялари вакиллари минтақада савдо алоқаларини ривожлантириш, янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий бизнес шароитлари билан яқиндан танишиш, маҳаллий бозор талабларини ўрганиш мақсадида алоҳида учрашувлар ўтказди, мамлакатимиздаги импортга иқтисослашган ва дистрибутор корхоналарга ташриф буюрди.

Бизнес-форум доирасида бўлиб ўтган икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокидаги "B2B" учрашувлари чоғида ҳамкорликни янада жаддаллаштириш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, УзА муҳбири

стандартлар, принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ўтказишда муҳим омил бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

● Жиззах вилояти Зомин туманидаги 60-умумтаълим мактабида ҳудуддаги Миллий гвардия ҳарбий қисми билан ҳамкорликда ватанпарварлик мавзусида тadbир ўтказилди. Тadbирда мамлакатимиз Миллий гвардияси қисмларининг жанговар қудратини акс эттирувчи кўрол-яроғлар, ҳарбий техника воситалари, аскарлар буюмлари кўргазмаси намойиш этилди. Ҳарбий қисм зобитлари, аскарлари билан ўқувчиларнинг қизиқарли суҳбатлари, мулоқотлари бўлди.

● Давлат хизматлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги "Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссик сувни ҳисобга олиш ускуналарини

(ҳисоблагичларни) ечиш, қиёсланган ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-муҳитини ижрочиларга етказиш ҳамда ишларни амалиётда тўғри ташкил этиш бўйича семинар бўлиб ўтди.

● Самарқандда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерларни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига боғхона соҳасида жорий қилинган қўлайлик ҳамда енгилликлар билан яқиндан таништириш мақсадида пресс-тур ўтказилди.

**ЖАҲОНДА**

● АКШ президенти Дональд Трамп маъмурияти Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатиш учун қўшимча 125 млн. доллар ажратади. Бу

ҳақда АКШнинг Қобулдаги элчихонаси маълум қилди. Ушбу маблағ озик-овкат махсулотлари, ичимлик суви, тез табиий ёрдам хизмати тақдими этиш ва табиий офатларга тайёргарлик ишларига йўналтирилди. "АКШ барча мамлакатларни Афғонистонга кўрсатиладиган ёрдам миқдорини оширишга чақиради", дейилади элчихона баёнотида. Гуманитар ёрдамни кўпайтириш ҳақидаги қарор Афғонистон ҳукумат қучлари ва "Толибон" ҳаракати ўртасидаги тўқнашувлар кучайиши ортидан қабул қилинди.

● Таиланднинг Квэбе музофотидаги савдо марказларидан бирининг ёнидан узунлиги 4 метр бўлган, оғирлиги нақ 15 килограмм тош босувчи қирол қобраси топилди ва уни тутишига бир соат вақт кетди. Жаҳонда энг йирик захарли илон ҳисобланмиш қирол қобраси ўрмонга олиб бориб табиат қўйнига қўйиб юборилди.

(Давоми 2-бетда)



# АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташкилот таркиби Туркий тилли давлатлар раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Катта мансабдор шахслари кўмитаси, Оқоқоллари кенгаши ва Боқудаги Парламент ассамблеяси, Нур-Султонда Турк академияси, Анкарада Турк маданияти халқро ташкилотидан иборат. Туркий кенгаш котибияти Истанбул шаҳрида жойлашган.

Бугунги кунда туркий тилли давлатларда яшаётган халқларнинг умумий сони 150 миллиондан ошди. Ушбу кенгашга аъзо давлатлар ҳудуди қарийб 4 миллион квадрат километрни ташкил этади. Ўзбекистон қўшилгандан сўнг Туркий кенгаш нуфузи, салоҳияти ва аҳамияти жиҳатдан Евроосиё марказидаги йирик тўзлимага айланган.

Бу ташкилотнинг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасида ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш.

Ўзбекистоннинг мазкур халқро ташкилотга қўшилиши давлатимиз ташқи сиёсатидаги тарихий қадамлардан бўлиб, мамлакатимиз, халқимиз учун гоат муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, Туркий кенгашга аъзолик нима беради?

Авалло, Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги йўналиш очилди, мамлакатимиз Марказий Осиё ва ундан кенроқ минтақада фаолият кўрсатаётган яна бир йирик халқро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Айни пайтда халқимизнинг миллий ўзлиги, олис ўтмиши, тили, тарихий келиби ва шакллари билан боғлиқ азалий қадриятлари ҳамда қўшни ва узоқ қардош мамлакатлар билан дўстона алоқалари кўшимча воситалар билан мустаҳкамланди.

Қолаверса, Туркий кенгашга аъзо ва кузатуви давлатлар билан нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама форматда ҳам тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш имконияти яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев саммитда сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эканини таъкидлади. Юртимиз заминда умумий тарихимизнинг шонли саҳифалари битилган, жохон илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек каби уммас вақитлар, муқаддас динимиз тарихида яънамас из қолдирган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Накшбанд сингари буюк алломалар, туркий дунёни қалам билан бирлаштирган Алишер Навоий сингари улў шоирлар нафақат ўзбек халқи, балки барчанинг фахру ифтихори эканини қайд этди.

Туркий кенгашга аъзолик ҳалқимизнинг тул манфаатларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Охириги уч йилда давлатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми салкам икки баробар ошди, мингдан ортиқ янги қўшма ширкатлар очилди. Транспорт қатновлари кенгайилмоқда, визасиз тартиб асосида туристлар оқими тобора кўпайилмоқда, халқларимизнинг қардошлиқ ришталари мустаҳкамланмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев саммит кун тартибига киритилган масалалар бўйича ўз фикр ва тақлифларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари тadbиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри ва ишончли алоқалар ўрнатилуш учун энг кулай шароитлар яратиб беришни устувор вазифа сифатида қайд этди. Бу борада қўшма технопарклар, стартап инновация компаниялари ва венчур жағғармаларни ташкил этиш, қўшма инвестиция жағғармаси ва туркий давлатлар савдо уйлари биргалда барпо этиш ташаббусини илгари сурди. Президентимиз ташаббуси билан яқинда

Тошкентда муваффақиятли ўтказилган Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форуми айнан шу мақсадга қаратилган эди. Туркий кенгашининг еттинчи саммити доирасида Боқуда ташкил этилган бизнес форумда мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари, ҳудудлар ва тadbиркорлик субъектларидан 120 нафар вакил иштирок этди. Бизнес форум якунига кўра юртимиздан Озарбайжонга автомобиллар, маиший техника жиҳозлари ва бошқа товарлар етказиб бериш бўйича умумий қиймати 430 миллион АКШ долларидан зиёд бўлган 75 та шартнома имзоланди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш Марказий Осиё – Туркия транспорт йўлига орқали Европа, Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун салмоқли имкониятлар яратишини, Боқу – Тбилиси – Карс янги темир йўлининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Транспорт ва логистика марказларини барпо этишда аъзо мамлакатлар ҳудудидаги денгиз портларининг замонавий инфратузилмасини ишга солиш ҳамда ташқи савдо юқларини таъминлаш Туркий кенгашга аъзо мамлакатлар учун ўзаро келишилган чегирма ва имтиёزلарни кўллаш масаласини қўриб чиқиш тақлиф этилди.

Шавкат Мирзиёев сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш зарурлигини қайд этди ҳамда Ўзбекистон Ташкилотнинг ўтган йили ишлаб чиқилган “Замонавий Ипак йўли” сайёҳлик дастурида фаол иштирок этишга тайёрлигини билдирди. 2020 йилда кўна Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга, абадий дўстлигимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшилиши таъкидлади.

Президентимиз Кенгашга аъзо мамлакатлар аҳолисининг 40 фоизидан ортиги ёшлар эканидан келиб чиқиб, уларни тadbиркорликка кенг жалб этиш мақсадига Туркий кенгаш доирасида Ёш тadbиркорлар форумини таъсис қилиш ва унинг биринчи йиғилишини келаси йилда Ўзбекистонда ўтказишни тақлиф қилди.

Ўзбекистон Президенти маданий-гуманитар соҳалар аҳамиятига алоҳида тўхталиб, Кенгашга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат “Туркий адабиёт ҳазинаси” деб номланган юз жилдли китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш тақлифини илгари сурди.

– Биз Ташкилот қошидаги Халқро туркий академияга аъзо бўлиб киришга тайёримиз. Шу билан бирга, Кенгашга аъзо мамлакатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва мейморчилик соҳасида улкан ютуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида Халқро ТАРКСОЙ муқофотини таъсис этишни тақлиф этамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев пировадига Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига раислик Озарбайжон Республикасига ўтиши муносабати билан Илҳом Алиевни қўтлаб, унга улкан муваффақиятлар тилади.

Туркий кенгашининг бу галги саммити кичик ва ўрта тadbиркорликни ривожлантириш мавзусига бағишланди. Шу муносабат билан саммитда туркий давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва ҳамжамият тараққиёти билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Ташкилот доирасида ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатдан кенгайиши дунёдаги сиёсий ва иқтисодий тангликларга нисбатан туркий давлатларнинг барқарорлигини кучайтириши таъкидланди.

Урашув якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Делегациялар раҳбарлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммити декларацияси, Туркий кенгашининг мувофиқлаштирувчи кўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва бошқа ҳужжатларни қабул қилдилар.

Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг тўла ҳуқуқли аъзо сифатида Ташкилотга қўшилиши тўғрисидаги Қўшма баёноти саммитнинг муҳим воқеаси бўлди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби Багдад Амреев делегация раҳбарларининг самарали мулоқоти мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига мос равишда ўзаро фойдали шериклик ўрнатилуш бўйича навбатдаги қадамларни белгилашга имкон берганини таъкидлади.

Саммит доирасида Боқу шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғунинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари бир-бирини самимий қўтлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамлавиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Туркия Президенти Ўзбекистон раҳбарини мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилгани билан самимий табриқлаб, бу қарор икки томонлама алоқалар ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Музокараларда конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш, иқтисодий, савдо, инвестициялар, энергетика, туризм ва бошқа йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентлари халқро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тadbирлар режасини қўриб чиқдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбанни қабул қилди.

Урашув аввалида Венгрия ҳуқуқати раҳбари Президентимизни Ўзбекистоннинг кенгашга қўшилгани билан самимий табриқлади. Ушбу ташкилот доирасида ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Сўхбат чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклик истиқболлари қўриб чиқилди.

Амалий ҳамкорликка оид, аввало, кишлоқ хўжалиги, чорвачилик, саноат, фармацевтика, туризм ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суришга икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг учрашувларини мунтазам ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Халқро аҳамиятга молик, жумладан, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи йўналишидаги шерикликнинг долзарб масалари ҳам қўриб чиқилди.

Туркий кенгаш саммити доирасида Боқуда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Ёлбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбоевни Туркий кенгашининг фахрий раиси этиб сайлангани ҳамда Туркий дунёнинг олий орденига сазовор бўлгани билан табриқлади.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Кенгашга асос солиниши ва унинг ривожланишига, ташкилот доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенгайишига катта ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.

Ёлбоши Нурсултон Назарбоев ўз навбатида Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига қўшилиши ушбу тузилманинг халқро нуфузини ва ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Урашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига ташрифи якуланди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ**  
Тошкент – Боқу – Тошкент

# ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Туркий кенгаш давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг амалдаги даражаси бизни гоат руҳлантиради. Айни пайтда унинг ҳақиқий салоҳияти анча юқори. Бизда янада юқоқ натижаларга эришиш учун барча зарур имкониятлар, энг асосийси, қатъий сиёсий ирода бор. Бу эса, шубҳасиз, халқларимиз манфаатларига тўла жавоб беради.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳамкорлигининг муҳим жиҳатлари ва йўналишларини белгилаб олди. Биз уларни фаол қўллаб-қувватлашга тайёримиз.

**Бу, биринчи навбатда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ.** Бугунги кунда мазкур йўналиш ҳамкорликнинг локомотиви бўлиш даркор, чунки у халқларимиз фаровонлигининг асосидир. Бунда мамлакатларимиз етакчи саноат қорхоналари, инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари ва тadbиркорлари ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, шунингдек, минтақалараро самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

**Транспорт ва транзит соҳаларидаги қкин кооперация алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдоримиз.** Интеграциялашган транспорт алоқаси тармоғини ташкил қилиш дунёнинг асосий ва минтақа бозорларига чиқиш имконини беради. Бу ерда сўз, аввало, Шимоли-Жануб ва Шарқ-Фарб халқро транспорт йўлақлари, Марказий Осиё минтақасини Хитой, Шимоли-Шарқий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан боғловчи автомобиль, темир йўли ва ҳаво йўллари ҳақида бормоқда.

Шу мақсадда минтақада транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича стратегик жиҳатдан муҳим қатор лойиҳалар амалга оширилган. “Анджон – Ўш – Иркештом – Қошғар” автомобиль йўлининг ривожланиши, шунингдек, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бошлангани билан янада улкан имкониятлар очилмоқда.

Барча соҳаларга илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацияларни жорий қилиш ҳар қандай давлатнинг рақобатдорлиги ва барқарор тараққиётини белгилаб бевуқи омили ҳисобланади. Шунинг учун **Туркий кенгаш мамлакатларини инновацион ривожлантиришни биз устувор вазифа деб ҳисоблаймиз.**

Шу муносабат билан биз келажақ технологияларини ўлаштириш бўйича дастур ва лойиҳаларни илгари суриш мақсадида инновацион ривожланишга масъул идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компаниялари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни тақлиф этамиз.

Маълумки, туркий тилли мамлакатлар халқлари бутун инсониятнинг бойлиги ҳисобланган ўзига ҳос бебаҳо маданий-тарихий ва маънавий меросга эга. Мамлакатларимизда туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий ёдгорликлари, буюк олимлар, шоир ва мутафаккирлар, рақамларнинг мероси асраб-авайланади. Бу бебаҳо бойлик бутун инсоният мулки бўлиб, ундан бутун дунё баҳраманд бўлиши керак. **Зиёрат туризмининг фаол ривожлантириш** бунга хизмат қилади. Туризм индустрияси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида

мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Бугуниники ва келажагимиз истиқболини белгилаб эканмиз, биз, шубҳасиз, халқларимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, бой тарихи ва маданияти, уларнинг кўп асрлик дўстлиги, яқин қўшничилик ва ўзаро англашув аънавларига таянамиз. **Маданий-гуманитар ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги муносабатлар муҳитини шакллантиради, инсонларни бирлаштиради.** Қозоғистонда Ўзбекистон йилининг ва Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ўтказилиши, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркмакнiston маданият кунлари ва қўшма дўстлик концертлари, фестиваллари, кўргазмалари, шунингдек, инсонлар қалбида илиқ туйғуларни жўш урдирган кўллаб-бошқа қўшма тadbирлар ташкил қилиниши бундан ёрқин далолатдир. Бу Туркий кенгашининг барча мамлакатлари учун яқин аънавага айланishi ва шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончим комил. Биз инсон капиталини ривожлантириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳиятга эгамиз. Тажриба алмашиш, қўшма таълим, илмий ва маданий лойиҳалар, ёшлар таълим-тарбияси бўйича истиқболли дастурларни амалга ошириш Туркий кенгашининг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи даркор.

Дунёда глобаллашув, барқарорлик ва қарама-қаршилиқ кучайиб бораётган шароитда айнан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик **барқарор ривожланиш ва тараққиётга эришиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.** Фирқимча, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик, одам ва қурол савдосига қарши курашиш бўйича Туркий кенгаш мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари саъй-ҳаракатини мувофиқлаштириш туркий тилли давлатлар кўп қиррали ҳамкорлигининг асосий жиҳатларидан бирига айланмоғи даркор.

Бугунги кунда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгаши янги, янада жадал ва масъулиятли тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Бу қардош мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги изчил ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашни талаб этади.

Туркий тилли давлатларнинг сиёсий иродаси, очик ва конструктив сиёсати, давлатлар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари туфайли минтақада ўзаро ишонч муҳити юзага келмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда.

Туркий халқларнинг буюк намояндаси, кирғиз ёзувичи Чингиз Айтматов мамлакатимизнинг тарихдаги роли ҳақида гапирар экан, “Византия славян давлатлари тарихида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбек халқи туркий тилли мамлакатлар тарихида худди шундай роль ўйнаган”, деб таъкидлаган эди.

Бугун ҳам тарихий тараққиётнинг янги ва айни дамда мураккаб босқичида Ўзбекистон Республикаси туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўлишига тайёр.

Туркий тилли давлатлар халқларини Туркий кенгашининг 10 йиллиги билан яна бир бор чин қалбидан муборакбод этиб, уларга тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилаймиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

“Hurriyet Daily” газетаси (Туркия),  
2019 йил 15 октябрь

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИНИНГ АХБОРОТИ

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Эксперт гуруҳларининг сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларини текшириш якунлари бўйича ахборотни эълон қилди.

Маълумки, шу йил 7 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳларини тузиш тўғрисида”ги қарори асосида иккита эксперт гуруҳлари тузилган эди. Биринчи эксперт гуруҳига Баҳоидир Юнусов, иккинчи эксперт гуруҳига Сўяроқ Қурбонкулов раҳбарлик қилди.

Экспертлар гуруҳининг маълум қилишича, Республикасимиздаги бешта сиёсий партия томонидан 2019 йил 10 октябрь кунини имзо варақалари қуйидаги кетма-кетликда топширган эди.

Биринчи – Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси;  
Иккинчи – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси;

Учинчи – Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси;  
Тўртинчи – Ўзбекистон Халқ демократик партияси;  
Бешинчи – Ўзбекистон Экологик партияси.

Эндиликда, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишларини олиб бориш тартиби ҳам шу кетма-кетликда амалга оширилиши лозим бўлади.

Эксперт гуруҳлари имзо варақаларини юқорида санаб ўтилган кетма-кетликда партияларнинг Ваколатли вакиллари иштирокида Сайлов кодексига талабларига қатъий риоя қилган ҳолда текшириб чиқди.

Марказий сайлов комиссиясига ҳар бир сиёсий партия 40 мингтага қўшимча 10 фоизи билан жами 44 мингтадан имзо тақдим этган.

Сайлов кодексига имзо варақаларининг топшириш белгиланган зарурий миқдоринг камида 15 фоизи текширилиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда текшириш учун ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадан (Қоракўлпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳридан) тенг нисбат-

да 440 тадан жами 6160 тадан имзолар танлаб олиниб текширилди.

Имзоланиб барчаси Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган имзо варақаларида бланклариди тартибда тўлдирилгани аниқланди. Худудлар номлари, имзо қўйган шахсларнинг маълумотлари, яшаш манзиллари, имзо қўйган саналари аниқ кўрсатилган ва имзоларни тўплаган шахсинг маълумотлари киритилган ва ҳудудий партия ташкили мўҳри билан тасдиқланган. Барча маъмурий-ҳудудий бирликлардан 8 фоизлик меъёрга амал қилинган ва бир хил миқдорда тўлдирилган.

Шунингдек, экспертлар томонидан махсус мосламалар билан синчиклаб текшириш довомида айрим имзо варақаларида имзолар ичиди бир шахс томонидан бир нечта имзолар қўйилгани, паспорт рақамлари қўйилмагани, янги ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлувчи ҳолатдаги хатоликлар ҳам мавжудлиги аниқланди, лекин бундай хатоликлар сезиларли даражада оз миқдорда экани маълум бўлди.

Биринчи сиёсий партия – Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси томонидан тақдим этилган имзоларни текшириш якунлари бўйича Эксперт гуруҳи ҳулосасида сиёсий партия томонидан зарурий миқдордаги 40 мингта ҳақиқий имзолар тақдим этилгани маълум қилинди.

1-Эксперт гуруҳи Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси томонидан тақдим этилган имзо варақалари қонун талабларига мос ҳолда тўғри тўлдирилган, деб ҳулоса тақдим этди.

Шунингдек, партия томонидан Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхат олинганини тасдиқловчи маълумотнома тақдим этилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сайловида иштирок этишга ва депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқини бериш мақсадаги мувофиқ, деб ҳисобланди.

Иккинчи сиёсий партия – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан тақдим этилган имзоларни текшириш якунлари бўйича Эксперт гуруҳи ҳулосаси бўйича ҳақиқий имзолар тақдим этилгани маълум қилинди.

1-Эксперт гуруҳи Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан тақдим этилган имзо варақалари қонун талабларига мос ҳолда тўғри тўлдирилган, деб ҳулоса тақдим этди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сайловида иштирок этишга ва депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ариза ва депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқини бериш мақсадаги мувофиқ, деб ҳисобланди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сайловида иштирок этишга ва депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқини бериш мақсадаги мувофиқ, деб ҳисобланди.

Учинчи сиёсий партия – “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан тақдим этилган имзоларни текшириш якунлари бўйича Эксперт гуруҳи ҳулосаси бўйича сиёсий партия томонидан зарурий миқдорда 40 мингта ҳақиқий имзолар тақдим этилгани маълум қилинди.

1-Эксперт гуруҳи Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан тақдим этилган имзо варақалари қонун талабларига мос ҳолда тўғри тўлдирилган, деб ҳулоса тақдим этди.



# ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

**Тил миллат кўзгуси, гурури, тафаккур манбаидир. Тил бор экан миллат яшайди, халқлар азиз, муқаррам бўлади. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек: “Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинна ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”. Инсониятга хос эзгу фазилатлар ҳам одамзод қалбига аввало она алласи, унинг бетакрор жозибаси орқали киради. Шу маънода буюк аждодларимиздан қолган бебаҳо маънавий мерос — она тилимизни асраб-авайлаш, улуғлаш ҳар бир ўзбекнинг бурчи, вазифаси саналади.**

Бугун дунёда олти мингга яқин тил ва шева бўлса, улардан бор-йўғи юзга яқини давлат тили мақомига эга. 1400 та тилнинг йўқолиб кетиш хавфи борлигини эътиборга олсак, давлат тили мақоми олган шу юзга яқин тил орасида она тилимизнинг борлигидан қанча гурулансак шунча оз.

Бу йил ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлади. Утган йиллар давлатида она тилимиз мустақкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан собиқ шўро даврида, яъни 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган эди ва бу халқимизнинг истиқлол, эрк сари босган буюк қадами бўлди. Орандан икки йил ўтиб, Мустақилликка эришдик, тақдиримизни, келажакимизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлдик. Бугун она тилимиз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида — давлат ва жамяят бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия,

тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқро минбарлардан баралла янграмоқда.

Маълумки, ўзбек тили дунё тилларидан ўзининг қадимийлиги, гўзал ва сўзларга бойлиги билан ажралиб турди. У халқимизнинг миллий ўзлиги ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий мероси, буюк қадриятимиздир. Тилимизда ҳаё, ибод, андиша, меҳр-оқибат, орият билан боғлиқ шундай сўзлар борки, уларни бошқа тилга айнаган таржима қилиб бўлмайди. Чунки бу тушунчалар фақат халқимизнинг миллийлиги, қадриятларига хосдир.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда она тилимизнинг нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани тилимизнинг тарихий илдизларини

чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори бй йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустақкамлаш, халқимиз, аввало ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашда она тилимизнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида қабул қилинган мазкур Қарорга кўра, унга тайёрларлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмита тузилади. Маънавий-маърифий дастурлар ишлаб чиқилиб, барча ҳудудларимиз-

да байрам тадбирлари ташкил этилади.

Жумладан, мактабларда иншолар танлови ўтказилади, театр ва кино-театр, маданият саройларида буюк алломаларимиз ҳақидаги спектакль, бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. “Ўзбек тили тараққиёти ва халқро ҳамкорлик масалалари”да халқро, “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” мавзусида эса республика илмий-амалий конференциялари ўтказилади.

Адабий тилимизнинг асосчиси, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг Тошкентдаги Миллий боғ ҳамда вилоят ва шаҳарлардаги ҳайкаллари пойга гул қўйиш маросими уюштирилади. Мамлакатимизнинг хориждаги элчихона ва дипломатик ваколатхоналарида “Ўзбек тилининг дўстлари” клуби тузилиб, байрам тадбирлари ўтказилади. Атоқли аллома ва адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинади, янги китоблар тақдироти амалга оширилади.

Энг муҳими, 21 октябрь куни мамлакатимиздаги барча марказий маданият ва санъат саройларида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини бағишланган тантанали байрам кечалари ҳар қачонгидан кенг ва ўзгача руҳда нишонланади.

**Отабек ЖИЯНБАЕВ,**  
**ЎзМТДП Тошкент шаҳар**  
**Кенгаши раиси**

## Психолог нима дейди?

### ЎЗИНГИЗГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ

**Кўларингизни бир зумга юминг, руҳан ўзингиз билан ёлғиз қолинг. Ана энди ўзингизга савол беринг: ҳаётда қандай аниқ мақсадим бор? Яна сўранг: мақсадимга эришиш учун нималар қилаяман, нималарни эса йўқ?! Албатта, жавоб топасиз.**

Чунки инсоннинг қандай ва қай ҳолатда яшаётганига ягона сабабчи фақат унинг ўзи. Ҳаётни қандай барпо этишдаги энг катта масъулият бу ҳар бир инсоннинг ўз зиммасида.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Белтепа мавзесидagi 316-умумтаълим мактабида “Бахтли яшашнинг қоидалари” мавзусига бағишлаб ўтказилган психологик семинар-тренинг ана шу фикрлар билан бошланди. Мазкур учрашув Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан мазкур туман маҳаллаларидаги хотин-қизлар иштирокида ташкил этилди.

Тадбир бежиз кўзлар мавзуси билан бошланмади. Семинар-тренингни олиб борган “Азизам” психолог клуби раҳбари, амалиётчи-психолог Азизахон Тошхўжаева бу ҳақда шундай деди:

— Инсон борлиқни кўзлари билан кўриш орқали ҳис этади. Кўзлар билан воқеликни кузатади, таҳлил қилади ва хулоса чиқаради. Ҳаётдаги жараёнларни — эришган ва эриша олмаган ютуқларнинг сабабини ҳам ташқаридан, аникроги, ўзгалардан излайди, бошқаларни айблабди. Бу, айниқса, аёлларимизга кўпроқ хос. Аёл киши ўзгани тушуниш ва ўз фикрини тушунтири билиш маданиятига эга бўлса, ҳаётдаги қўлпаб муаммоларни четлаб ўта олади. Оиладаги ҳар қандай келишмовчилик, жанжал ўз вақтида, тўғри билдирилмаган ёки билдирма олинмаган фикр орқали юзага келади. Энг аввало, аёл ўзига нима керак эканлигини яхши билиши керак. Бунда шахсий ва умумий мақсадларни фарқлаш лозим. Аёлниң фақат ўз шахсияти, дунёси билан боғлиқ. Умумий мақсадлар эса оилавий мақсад муддаларни назарда тутати. Ҳар икки мақсадлар аниқ белгилаб олинсагина, ният қилинган ҳузур-ҳаловатга эришилади. Шунинг учун семинар-тренингларда аёлларга тўғри мақсад қўйиш, унга интилиш ва эришиш бўйича маслаҳатлар беришга алоҳида эътибор қаратаймиз.

Мулоқотда психолог иштирокчиларга қийин, низоли вазиятларга дуч келишининг сабаб ва оқибатлари хусусида сўзлаб берди. Бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича илмий ва амалий маслаҳатлар, тавсиялар берди.

— Бугун ақсарият аёлларимиз оиладаги бурчларини унутиб қўётгандек, назаримда, — деди А.Тошхўжаева. — Турмуш таъшишларининг кўп қисмини елкаларига ортиб олиб, уйдаги, турмуш ўртоғи, фарзандлар олдидagi асосий вазифаларидан четлашиб қолганликка оқибатида оиладаги турли хил муаммолар, низолар пайдо бўлмоқда. Албатта, ҳар бир опа-сингиллимиз жамяят ҳаётида фаол иштирок этсин, ўқисин, ишласин, ўз ўрнини топсин, лекин аёллигини йўқотмасин. Пул топиш учун чет мамлакатларга чиқиб кетиши, оғир юмушлар билан машғул бўлиш натижада ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқиб, ўз жиғарлари, яқинларидан аламини олиш аёлнинг ўз фазилатларини йўқотатганидан далолат беради.

Психолог фикрича, оила илмини ўрганишнинг эрта-кечи йўқ. Уни мунтазам ўзлаштириб бориш лозим. Айниқса, ёшлиқдан бунга астойдил қадам ташлаш зарур.

— Рухшунос сифатида шунга айта оламаники, сабр, шукр қилиш каби сифатларнинг унутулиб бораётгани ҳам оиладаги муаммоларнинг асосий вазирлари ҳам бири бўлиб қолимоқда, — дейди у. — Инсон шунчаки мавжуд бўлиб яшаш мумкин. Бу ҳеч бир иш, ҳеч бир масалада масъулиятни бўйнига олмаслик, яъни ҳар бир ишда доимо кимдир, нимандир айблаш дегани. Дейлик, масалликлар сифатли бўлганда мазали егулик пиширардим, қайнонам яхши бўлганда, оилам тинч бўларди, фарзандим яхши ўқиганда турмуш ўртоғимдан гап эшитмасдим каби. Яқинда бир келин тўз жуда шўр ишлаб чиқарилибди, овқатга озгина солсам ҳам шўр бўлиб кетибди, деб қолди. Кўрпаясимиз, ҳамма ва барча нарса айбдор. Фақат ўзимиз эмас. Бундай яшаш жуда ҳам осон. Аммо бундай кайфиятдаги аёллар ҳеч бир масалада масъулиятни ҳис этмаслик ортидан ўзининг эмас, яқинларини ҳам бахтсиз қилиб қўяди. Масалан, фарзандларни эътиборсиз қолдирилгани оқибатида мақсадларини тўғри белгилай олмайди ёки уларга эришиш учун қандай ҳаракат қилиш йўлини билмайди. Буни психологияда ҳаракат йўли дейилади. Бу яшаш эмас. Яшаш йўли меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат талаб этади. Бу жуда оғир бўлиши мумкин, лекин эвазига ҳаммаша роҳат бор.

— Турмуш қурганимга 13 йил бўлди, — деди Белтепа мавзеси Ибн Сино маҳалласида истиқомат қилувчи Малюхат Алимова. — Уч нафар фарзандни вояга етказганимиз. Очиғи, оз бўлса ҳам оилавий муносабатлар борасида тажрибам бор деб ўйлардим. Семинар-тренингга тушундимки, шу пайтгача жуда кўп оддий нарсаларга эътибор қилмаган эканман. Урганишим, ўзлаштиришим зарур бўлган жиҳатлар ҳали мўл экан. Инсон аввал ўйлаб, кўриб, эшитиб, сўнг фикр билдириши керак. Лекин биз аёллар кўзидан олдин гапирамиз, кейин эшитиб кўраемиз, кўп олдимишга келтирамиз, энг охирида ўйлаб кўраемиз. Оқибатда кеч бўлади. Шу масалада ҳушёр бўлсак, оилада, ҳаётнинг баланд-пастиликларида қоқилмаймиз.

Психологнинг айтишича, инсоннинг ўзи учун энг катта яхшилиги ўзига вақт ажратиши, ўзининг маънавий юксалиши учун фурсат топиши саналади. Сиз ҳам ўзингизга яхшилиқ қилинг: Мени эслашганда қандай сифатлар тилга олинади? Қанчалик яхши ишлар қилдингиз, деб савол беринг ўзингизга. Шунда она, рафика, опа, сингли, келин образидagi роллингизни қай даражада ундаллай олаётганингиз ойдинлашади. Асосийси, эса бундан хулоса чиқарши. Фурсатни бой берманг, ўйлаб кўринг: сиз ўз рол(лар)ингизни қандай ижро этаясиз?

**Феруза МИРЗАКОМИЛОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ: КЕЧА ВА БУГУН

**Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажакимизнинг муносиб ворислари этиб вояга етказишга кўмаклашишдан иборат экан бу борада юртимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Айниқса, ёшларнинг билим олиши ва касб танлаш борасидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, спорт иншоотлари замон талаблари даражасида бунёд этилиб, етарли шароитлар билан тўлиқ таъминланмоқда. Биз сўз юритмоқчи бўлган Тошкент фармацевтика институтига ҳам сўнги икки йил давомида бунёдкорлик, ободонлаштириш ва ўқув биноларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда Тошкент фармацевтика институтига фармацевтика, саноат фармацевтиясини, биотехнология, касб таълими ҳамда метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти йўналишларида малакали кадрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети билан ҳамкорликда очилган кўшама факультет ҳам ўз фаолиятини юритмоқда. Мазкур кўшама факультетга 88 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Хозирги кунда институтда жами 2700 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Шунингдек, институтда 252 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда: улардан 28 нафари профессор, 95 нафар доцент, 129 нафари эса катта ўқитувчи ва ассистентлар.

Бугунги кунда институт жамоаси 39 та хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Институтда 33 нафар хорижий талаба, шунингдек, Ислом Каримов номи давлат стипендиеси, Ибн Сино, Президент стипендиеси соҳибдорлари ва халқро спорт мусобақалари, республика олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган турли кўрик-танлов ғолиблари бўлган иқтидорли талабалар таҳсил олмақда.

Ёшларимизга таълим-тарбия бериш, уларни келажакда ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб шаклланишида нафақат ўқув жараёнида замонавий технологияларни жорий этиш ва уларга кенг имкониятлар яратиш балки ёшларнинг ижтимоий маънавий шароитларини ҳам яхшилаш бу давр талабига айланиб бормоқда. Жамятимизда тўз ўзгартириш ҳар бир соҳани четлаб ўтмаётганлиги айна ҳақиқатдир. Бу борада юртимизда фармацевтика соҳасини тубдан такомиллаштириш, ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатларни амалга ошириш таълим муассасалари нафақат етук малакали кадрларнинг мавжудлиги балки моддий-техника базанинг мустақкамланганлиги, замонавий лаборатория жиҳозлари билан бойитилганлиги билан боғлиқ.

Шу мақсадда Тошкент фармацевтика институтига қисқа муддатларда моддий-техника базасининг замонавий қиёфа касб этгани, ўқув бинолари ҳамда талабалар турар жойларида олиб борилган реконструкция ишларининг барчаси ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган. Уларнинг ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб шаклланишида бўлажак фармацевтлар, биотехнологлар, саноат фармацевтиясини, клиник фармацевтлар, касб таълими ҳамда метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежментлари учун институт ҳудудига ишлаб чиқариш цехи ва бир қанча йўналишли лабораториялардан иборат илмий марказ фаолият олиб боради. Уларда асосан дунё ва ҳудудда кўп учрайдиган касалликларни экспериментал ўрганиш, маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан олинган компонентларни фармакологик таҳлиллари ўрганилади.

Интерактив зоналарда ҳамда конференция за-



## ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИНИНГ ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

**Кунги кеча Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент шаҳар партия ташкилотини билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамяти ҳамкорлигида Тошкент темир йўл техникаси музейида очик эшиклар кунини тадбирини ўтказди.**

Тадбирнинг асосий меҳмонлари шахримизнинг 10 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёшлар бўлишди. Улар музейга қўйилган қишқоқ ҳўжалиги, саноат, урушда ишлатилган техника воситалари ҳақида маълумот олдилар.

Музей ходимлари Тошкент темир йўллари муҳандислари институтини талабаларининг қизиқтирган саволларига жавоб бердилар. Иштирокчиларни Германияда махсус яратилган парвоз қизиқтирди. Кун давомида бу ва бошқа қизиқарли маълумотлардан хабардор бўлишди.

Юртимизга чет элдан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам музейдаги техникаларни кўриб, ҳаяжонларини яширишмади. Бу каби хайрия тадбирлари ёшларнинг билимларини янада бойитишга хизмат қилади.

**Даврон Аҳмад олган сурат**

## БИР АСРЛИК ТАРИХГА ЭГА МАКТАБ

**Ўзда бир асрлик тарихни жамлаган П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабини бутунги кунга қадар неча минглаб иқтидорларни кашф қилган, десак муболага бўлмайди.**

Мазкур йилда Ўзбекистон тасвирий санъатида ёрқин из қолдирган рассомларимиздан бири Павел Петрович Беньков номи берилган билим юртининг ташкил бўлганга юз йил тўлгани муносабати билан шу йилнинг 18-19 октябрь кунлари байрам тадбири ўтказилмоқда.

— Мазкур сана муносабати билан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ байрам тадбири билим юртининг 100 йиллик юбилейига бағишлаб ташкил этилган музей ва битирувчи ўқувчиларнинг диплом ишларидан иборат кўрғазма билан очилди, — дейди мактаби директори Умидхон Ҳажимов.

Таълим муассасасининг ҳудуди бўйлаб барча йўналишларда Ўзбекистон Бадий академияси академиклари, халқ рассомлиги ва халқ усталари томонидан маҳорат дарслари ўтказилади. Хатто энг замонавий йўналишлардан бири бўлган робототехника бўйича ҳам иқтидорли ўқувчимиз юқори малакали маҳорат дарсларини олиб боради.

Тадбирнинг эътироф этиб ўтиладиган яна бир асосий тарафи, бу — Тошкент фотосуратлар уйда ўтказилувчи “Беньков мактаби” номи ижодий ишлар танлови бўлиб, унда мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчиларининг ижодий ишлари жамланган. Бундан ташқари, байрам доирасида “Ўзбекистон тасвирий санъатида Павел Беньков феномени ва унинг мактаби” номи илмий-амалий конференция ҳамда мактабнинг 100 йиллигига бағишланган каталогнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Қўшимча маълумот сифатида шунга айтиб ўтмоқчиманки, миллий ва жаҳон тасвирий санъати ривожига муносиб хисса қўшган республикамизнинг машҳур рассомлари Р.Аҳмедов, А.Абдуллаев, Н.Қўзибоев, Р.Чориев, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, О.Файзуллаев, В.Бурмакин, А.Нуридинов, Л.Ибрагимов, Р.Худайбергенов, Т.Қўзиёв, Х.Аминов ва бошқа истеъдодли мусаавирлар таҳсил олган мазкур ўқув масканига бугунги кунда 7 та таълим йўналишида 16 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланади.

**Ўзбекистон Бадий академияси Матбуот хизмати**



Самбо

**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА САМБОЧИЛАРИМИЗ 27 МЕДАЛГА САЗОВОР БҮЛДИ**

**Пойтахтимиздаги "Saxovat servis sport" спорт мажмуасида самбо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати якунланди.**

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз самбо ассоциацияси ва бир қатор ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилган мазкур чемпионатда дунёнинг 50 га яқин давлатидан 500 га яқин самбочи 40 вазн тоифасида голиблик учун куч си-нашди.

Жаҳон чемпионатида спортчиларимиз 4 олтин, 8 кумуш ва 15 бронза медални қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида ўсмир йигитлар ва қизлар терма жамоамиз россиялик самбочилардан кейин иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, 20 ёшгача бўлган қизлар терма жамоамиз кучли учликдан жой олди.

Ёшлар ўртасида ўтган чемпионатнинг вазни 40 килограммгача бўлган самбочилар баҳсида ҳамюртимиз Муниса Эшқуллова барча рақиблирини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Ушбу ёш тоифасида қатнашган Бақожон Ашуров 75 килограммгача вазнда терма жамоамизга навбатдаги олтин медални келтирди. Шунингдек, Умида Жуманиёзова ҳамда Сўҳроб Ражабов ўз ёш ва вазн тоифаларида жаҳон чемпионига айланди.

Жаҳон чемпионати юқори савияда ташкиллаштирилганига гувоҳ бўлдим, — дейди ЎЗА муҳбирига Бутунжаҳон самбо федерацияси президенти Вассилий Шестаков. — Ўзбекистон бундан ҳам катта мусобақалар ўтказишга тайёр. Мазкур спорт турининг юртингиздаги келажаги порлоқ.

**Жавохир ТОШХҲАЕВ**

**"Туркистон" саройида қозоғистонлик таниқли хонанда Роза Римбаева иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Қозоғистон кунлари ранг-баранг маданий-маърифий, сайёҳликка доир тадбирлар, концертлар, кўргазмалар, ижодкорларнинг учрашувлари, тақдиротларга бой бўлмоқда.**



**Ўзбекистонда Қозоғистон йили**

**ҚЎШИҚЛАРИ ДИЛГА КЎЧГАН ХОНАНДА**

Айни пайтда бу йўналишдаги маърифий лойиҳалар икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик, аҳиллик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Роза Римбаеванинг қўшиқлари дилга ғоят яқин. Бунинг сабаби хонанда чин кўнгилдан, самимий, соф туйғулур, одамийлик, тоза муҳаббат, меҳр ва садоқат ҳақида астойдил куйлашида бўлса, ажаб эмас.

Маълумотларга кўра, у илк бор фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган тантананда қатнашиб, ҳам му-сика оламининг даргалари, ҳам мухлислар эътиборига тушган. Ўшанда унинг истеъдодини сез-ган "Гульдер" ёшлар-эстрада ан-

самбли дирижёри Таскин Окапов хонандани мазкур ансамблга та-қлиф этганди.

Хонандага чин машҳурлик 1977 йили Болгарияда бўлиб ўтган "Олтин Орфей" фестивалида "Алия" номли қўшиқни ижро этгандан сўнг келганди. 1977-1979 йилларда Р.Римбаева "Йил қўшиғи" мусиқий лойиҳаларида катта муваффақият билан иштирок этди. 1978 йилда эса юксак ижроси боис "Овозли йўлакча" хит-парадида Алла Пугачёва, София Ротару сингари хонандалардан кейин учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Роза Римбаева 1979 йилдан то ҳозирги вақтга қадар "Қозоққон-церт" республика концерт бир-лашмасида ижод қилиши билан бирга, Т.Журғенов номидаги Қозо-

ғистон санъат академиясида ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

2012 йилда хонанда Япония, Россия, Туркия, Беларусда катта концерт сафари – турнеда ишти-рок этган. 2017 йили эса тавал-лудининг 60 йиллигига бағишлаб Нур-Султон шаҳрида катта кон-церти бўлиб ўтди.

...Залворли, бетакрор овоз со-ҳибаси куйламоқда. Мухлислар ўзлари учун қадрдон бўлиб қол-ган жонажон юрт, инсонийлик, одамгарчилик, муҳаббат, ҳалол-лик ҳақидаги қўшиқларни бери-либ тинглайди. Жонли ижродаги, самимиятга йўғрилган концерт дастури ўзбекистонлик мухлисларга ғоят манзур бўлди.

**Н.УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири**

**Реклама ва эълонлар**

**10** йил ташкил топганига  
Эртага, 2019 йил 17 октябрь

**«ASL OYNA» МЧЖ** заводининг

**Тошкент шаҳрида жойлашган «ASL OYNA» масъулияти чекланган жамияти Марказий Осиёдаги етакчи шиша идишлар ишлаб чиқарувчисидир.**

«ASL OYNA» МЧЖ шиша идишлар заводи 2009 йил 17 октябрда ишга туширилган.

Унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий ҳамзини буюртмачилар билан биргаликда ишлаб чиқилган, эксклюзив-олувчининг исми ёзилган идиш маҳсулотлари эгаллайди.

«ASL OYNA» МЧЖ компаниясида 350 дан ортиқ турли хил шакл ва турдаги қолип тўпламлари мавжуд бўлиб, улар 350 дан ортиқ комбинацияланган шиша идишлар ва қолипларни қайта тиклаш ускуналарини ишлаб чиқариш имконини беради.

Бизнинг компаниямиз ҳар қандай сизимдаги ва ҳар хил шаклдаги идишларни нафакат рангсиз ҳолда балки жигарранг ва яшил рангларда ҳам ишлаб чиқаришга қодир.

2018 йилда компания ISO 9001:2015 халқаро стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этди.

2019 йилда компания 22000 шиша идишлар (FSSC) ишлаб чиқариш учун озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини жорий этди.

Ҳозирга кунда «ASL OYNA» МЧЖ заводида 600 дан ортиқ одам ўз фаолиятини олиб бормоқда.

«ASL OYNA» МЧЖ барқарор экспортчи бўлиб, ички ва ташқи бозорларда юқори сифатли маҳсулотга эга истиқболли корхона сифатида танилган. Корхонамиз ривожланишининг еркин далили сифатида қуйидаги йирик хорижий компаниялар билан ҳамкорликни муваффақиятли тараққий этиб бормоқда:

- «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston» КК МЧЖ
- «International Beverages Tashkent» («Pepsi») МЧЖ
- «Эфес Казахстан» ХК ОАЖ
- «UzCarlsberg» МЧЖ

+998 (78) 150 19 44  
+998 (78) 150 19 47  
+998 (78) 150 19 51  
+998 (78) 150 19 52  
info@aslouna.uz  
www.aslouna.uz  
aslouna.uz  
aslouna.uz

Боғланиш учун маълумотлар: 100155, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Проектная кўчаси, Г-90. Йўналиш – Қурувчилар массиви.

Маҳсулотлар сертификатланган

Тошкент шаҳар Олмазор тумани "Ягона дарча" мар-кази томонидан рўйхатдан ўтган "XASTIMOM BIZNES" МЧЖ (СТИР 305393798) Тошкент вилояти, Тошкент тумани "Ягона дарча" марказида рўйхатдан ўтган "STANDART IDEAL SIMENT" МЧЖ (СТИР 306290625)га қўшилаётганини маълум қилади.

Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томо-нидан 06.06.2018 йилда № 614279-сонли реестр ра-қами билан рўйхатга олинган "SHAMS ABDUMANNOP OTA" МЧЖ таъсисчининг 2019 йил 10 октябрдаги № 1-сонли баённомасига асосан иктиёрий

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А.Шоший 3-берк кўчаси, 3-уйда қабул қилинади. Телефон: +99899 897-31-72.

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.07.1998 йилда 000561-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган (СТИР 201121334) "SALOMATLIK-R" МЧЖ Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 26.09.2019 йилда 762459 рақами билан рўйхатга олинган (СТИР 306735472) "BUNYOD GOOD BUSINESS" МЧЖ тарихига қўши-лишини маълум қилади. "SALOMATLIK-R" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси "BUNYOD GOOD BUSINESS" МЧЖ ҳисобланади.

Даъволар +998998447887 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Бектемир тумани Давлат хизматлари мар-кази томонидан 30.08.2019 йилда № 756542 рақам билан рўйхатдан ўтган "XALIL TRADE GROUP" МЧЖ (СТИР 306675635) почта манзили Бектемир тумани, Қўйлик улғуржи бозори, 112-уй таъсисчиларнинг 14.10.2019 йилдаги № 3-сонли баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида (97) 755-25-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Яшнобод тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "UNIVERSAL METAN GAZ" масъулияти чекланган жамияти почта манзили Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, С.Азимов 1-берк кўчаси, 5-уй, 3-хондонда жойлашган (СТИР 303554660) таъсисчиларнинг баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар жамиятнинг почта манзили бўйича қабул қили-нади.

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 21.09.2018 йилда № 637895 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "NOOR SAFA" ХК (СТИР 305764540) таъсис-чининг 16.10.2019 йилдаги № 1-қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 67-уй, 2-хондон манзи-лида қабул қилинади.

Телефон: +99897 755-86-67.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани Давлат хизматлар мар-кази томонидан 3.11.2019 йилда № 551737 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "TS-PROFI" МЧЖ (СТИР 305120155) таъсисчининг 16.10.2019 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Миробод тумани, Саид Барака кўчаси, 8-уй, 10-хондон ман-зилида қабул қилинади.

Тошкент туризм касб-хунар коллежи томонидан 2013 йилда Махматов Баҳром Рустамбек ўғли но-мига берилган К № 3157865 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**3-ОЗ ЎРГАНИД**  
**ДОМО БИВАҲ**

**ДОНИШМАНЛАР**  
**ХАЗИНАСИДАН**

Инсонга нима ёқса, унинг учун энг гўзал нарсаси ўша.

Кимга хизмат қилсанг, ўзинг ҳам ўшандай бўласан.

Икки балиқ океанда учраб, тез аж-ралиб кетганларидек бу дунёда одамлар ҳам қандай учрашган бўлсалар, шундай ажрашадилар.

Бу ҳаёт сув юзидаги ой нуридек-дир. Шунинг учун фақат яхшилик қилиш пайида бўлгин.

Бизнинг ишимиз ҳам, фикримиз сўзимиз ҳам бизни кузатиб туради. Шунинг учун яхшилик бунёд этинг.

Бу дунёда олти мўтабар нарсаси бор. Булар: бойлик, доимий соғлиқ, дўст, ширинзабон хотин, итоаткор ўғил ва билим.

Дўст оғир кунда, қаҳрамон жанг-да, ҳалол одам қарзини тўлашда, жуфту ҳалол камбағалликда, қарин-дош омадсизликда синалади.

Ишсиз билим бўлмас, билимсиз одам, саркардасиз лашкар бўлмас.

Ёшлиқ елдек учиб кетади. Унга қувонч бахш этайлик.

Бахт орқасидан бахтсизлик, бах-тсизлик орқасидан бахт келади. Доимий бахт бўлмайди.

Умид-буюк ташвишлар манбаи, умиддан озодлик барча хотиржам-лик манбаи.

Ғалаба ёки мағлубиятдан ноумид инсонгина тинч ва бахтлидир.

Ҳақиқатгүйликдан-да олийжаноб нарсаси йўқ, ёлғончиликдан кўра бад-бахтлик йўқ.

Ҳар бир иш бизни бахтга элтмоғи лозим. Қаерда ҳақиқат бўлмаса, у ерда бахт йўқ. Шунинг учун одил бўлишга интиль.

Бахтсизликка элтадиган ҳақиқат-ни гапирмаган маъқул.

Қандай уруғ сепсанг, ўшандай ҳосил оласан.

Олтин оёқ остида ётсаю шиша бош устида турса ҳам олтин тил-лалигича, шиша ярқироқ тошлиги-ча қолаверади.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**  
**тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 17 ок-тябрь куни ҳаво узариб ту-ради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кун-дузи — 21-23 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг монито-ринг хизмати маълумотига кўра, 17 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарар-ли моддаларнинг бир оз тар-қалиб кетишига имконият яради, ифосланиш дара-жаси паст бўлади.

Тошкент туризм касб-хунар коллежи томонидан 2013 йилда Махматов Баҳром Рустамбек ўғли но-мига берилган К № 3157865 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**